

ШАРТНОМА № 9.

Риштон шаҳри.

“8” ноябр 2022 йил

Бизлар ким имзо чекиб шартнома тузувчилар келгусида «Сотувчи» деб аталувчи **“ZOXIDON ZIYONUR” МЧЖ номидан рақабар У.Хакимов** бир томондан ва келгусида «Сотиб олувчи» деб аталувчи «Риштон туман Ободонлаштириш бошқармаси» ўз Низоми асосида фаолият юритувчи раҳбар **С.Хайдаров** ушбу шартномани имзолаш билан куйидагиларга келишилди.

ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1 “Сотувчи” ушбу шартномага асосан “Сотиб олувчига” ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги электр эҳтиёт қисмларини ободонлаштириш бошқармаси маъмурий биносига етказиб беради. “Сотиб олувчи” етказиб берилган электр эҳтиёт қисмларини қабул қилиб олиб, тўлов ҳужжатларини амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштириб, опен бюджет ҳисоб рақамида кўзда тутилган бюджетдан ташқари маблағлари доирасида белгиланган тартибда амалга оширади. Товарлар куйидаги спецификацияга асосан берилади:

№	Товар номи	Улчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Қиймати
1.	Кабель АПВПУ 3(1x70мм2)	метр	112	102 000	11 424 000
2.	Кабель АВВГ (4x95мм2)	метр	110	105 000	11 550 000
3.	Провод АС-35мм2	метр	2300	8 000	18 400 000
4.	Муфта КНТПУ ташки	дона	2	900 000	1 800 000
5.	Муфта КНТПУ ички	дона	2	900 000	1 800 000
ЖАМИ:					44 974 000

II. ШАРТНОМА БАҲОСИ, ЭЛЕКТР ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.

2.1 Мазкур шартноманинг умумий қиймати **44 974 000 (қирк тўрт миллион тўққиз юз етмиш тўрт минг) сўми** ташкил этади.

2.2 “Сотиб олувчи”га электр эҳтиёт қисмлариларни “Сотувчи”нинг транспортида камида 3 (уч) кун муддат ичида етказиб берилади.

2.3 “Сотиб олувчи” «Сотувчи» тақдим этган ҳужжатларга асосан узил-кесил ҳисоб-китобни ўзаро келишилган муддатларда “Сотувчи” ҳисоб-рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

2.4. Электр эҳтиёт қисмлари етказиб бериш даврида нархи ўзгарган тақдирда “Сотувчи” ёки “Сотиб олувчи” ташаббуси билан мазкур шартномага қўшимча келишув шартномаси тузилиши мумкин.

2.5. “Сотиб олувчи” “Сотувчи”га олинadиган товарнинг 30 (ўттиз) фоиз ҳақини олдиндан ўтказиб беради, товарнинг қолган суммасини 30 банк иш куни мобайнида кечиктирмай тўлиқ тўловини таъминлайди.

III. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИЛИШИ.

3.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

3.2. “Сотиб олувчи” муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган электр эҳтиёт қисмларини қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

3.3. “Сотиб олувчи” “Сотувчи” томонидан электр эҳтиёт қисмларини ўз вақтида етказиб берилмаган ёки сифатсизини етказиб берилган ҳолатларда шартномани “Сотувчи” ни ёзма хабардор қилган ҳолда бир томонлама бекор қилиши мумкин. Қолган ҳолатларда

шартнома шартларига тегишли ўзгартиришлар томонларнинг ўзаро қўшимча келишувларига мувофиқ киритилади.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

“Сотувчи”нинг мажбуриятлари:

4.1 Электр эҳтиёт қисмларини қабул қилиб олиш вақтида аниқланган камчиликларни “Сотиб олувчи” талабига мувофиқ 3 кунлик муддатда бартараф этади.

4.2 “Сотиб олувчи” томонидан сотиб олинган электр эҳтиёт қисмларига 3 ой муддат ўтгандан сўнг нарх-наво ва сифатига бўлган даъво «Сотувчи» томонидан қабул қилинмайди.

“Сотиб олувчи”нинг мажбуриятлари:

4.3 Етказиб берилган электр эҳтиёт қисмларини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

4.4. Электр эҳтиёт қисмларини мазкур шартномада кўрсатилган нарх бўйича белгиланган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китобни амалга ошириш.

4.5. Шартномани амал қилиш даврида “Сотувчи” томонидан давлат манфаатларига зарар етказиш ҳолатлари аниқланган тақдирда шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақлидир.

V. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК.

5.1. Агар «Сотувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га сифатсиз, ёки саклаш муддатлари ўтиб кетган электр эҳтиёт қисмлари етказиб берилган ҳолда «Сотиб олувчи» «Сотувчи»дан бундай электр эҳтиёт қисмларини умумий кийматидан 20%, жарима қўллаб, қонунчиликда белгиланган тартибда ўндириб олинади.

5.2. Агар «Сотувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га белгиланган электр эҳтиёт қисмлари белгиланган муддатларда етказиб берилмаса, «Сотувчи» муддати ўтган ҳар бир кун учун кечиктирилган маҳсулот кийматининг 0,5% миқдоридан лекин кечиктирилган электр эҳтиёт қисмлари кийматининг 50% дан ошмаган ҳолда «Сотиб олувчи»га пеня тўлайди.

5.3. Агар «Сотиб олувчи» «Сотувчи»дан олинган электр эҳтиёт қисмлари пулини белгиланган муддатда тўлаб бермаса, муддати ўтган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4% миқдоридан, лекин кечиктирилган туловнинг 50% ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.4. Жарималар тўланиши «Сотувчи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

VI. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

VII. ФОРС-МАЖОР.

7.1. Форс-мажор ҳолатлар, жумладан ер қимирлаши, сел келиши каби табиий офатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан янги қонун ва қарорларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиган ҳолатларда тарафлар мазкур шартнома ва қўшимча келишувлар шартларини бажариш масъулиятини ўз зиммаларига олмайдилар.

VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ.

8.1. Мазкур шартнома “Сотиб олувчи”, “Сотувчи” томонидан тасдиқланган кундан кучга киради ва 2022 йил «31» декабргача амал қилади.

8.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

8.3. Шартнома икки томонлама имзоланиб, ғазначилик бўлиmidан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради.

IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ БЎЙИЧА ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

9.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши қурашиш мажбуриятини оладилар меъёрий ҳужжатларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини тaminлайди; бир-бирининг томонлари ёки давлат мансабдор шахсига пора бериш ёки воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий манфаатлардан қочишлик томонлар бундай хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайди.

9.2 Коррупцияга қарши қураш қоидалари бузилганлиги ёки асосли шубҳа туғилганлиги тўғрисида томонлар дарҳол ёзма равишда хабардор қилишлари шарт. Бир-бирларини шахс (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бундай ҳолда, томонлар вазиятни аниқлаштириш учун ёзма тушунтиришни талаб қилишга ҳақли. Мулкдор ва мурожаатни қабул қилган томон 10 (ўн) иш куни ичида тушунтириш беришга ёки ўз фикрини билдиришга мажбурдир.

9.3. Ушбу бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан коррупция хавфини белгиланган муддатларда бартараф этилмаган тақдирда тарафлар томонидан кўрилган чоралар коррупция ҳолатининг пасайишига олиб келади. Акс ҳолда, бошқа томон шартномани бекор қилишга ёки унинг бажарилишини тўхтатиб қўйишга ҳақли.

9.4 Сотиб олувчига етказиб берилган электр эҳтиёт қисмлари учун барча тегишли ҳужжатларни тақдим этган ҳолда ҳисоб-варақани расмийлаштириш санаси "Сотиб олувчи" томонидан товарларни қабул қилиш куни ҳисобланади.

9.5 Ушбу шартноманинг барча шартлари календар кунидан кейинги кун ёки муддат бошланишини аниқлаган воқеа содир бўлган кундан бошлаб ҳисобланади.

X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.

10.1. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг иккала нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

АЛОХИДА ШАРТЛАР.

XI. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари:

«СОТУВЧИ» "ZOXIDON ZIYONUR" МЧЖ

Манзил: Риштон тумани Марказ МФЙ.
Ар-Рошидоний кўчаси 156-уй

Х/В: 20208000905535094001

СТИР: 309617782

Банкнинг номи: Микрокредитбанк

АТБ Риштон филиали

МФО: 00520

Рахбар :  У.Хакимов

«СОТИБ ОЛУВЧИ»

Риштон туман ободонлаштириш
бошқармаси

Манзил: Риштон тумани Б.Рошидоний кўчаси
№6 уй

Ш/в*: 401722860302247065200110005

Бюджетдан маблағ олувчи: 205014939

ОКОНХ: 80200

Молия Вазирлиги Ягона Ғазна Ҳисоб варағи

х/р 23402000300100001010

Банкнинг номи: Тошкент ш.Марказий банк

ХККМ

МФО 00014

СТИР: 201122919

Рахбар  С.Хайдаров



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

JX2363360363

1. Loyihaning turi : Shartnoma №9

2. Loyihaning nomi: Umumiy summasi **44 974 000 (qirq to‘rt million to‘qqiz yuz yetmish to‘rt ming)** sum bulgan elektr ehtiyot qismlari yetkazib berish yuzasidan **“ZOXIDON ZIYONUR”MCHJ rahbar U.Xakimov** va Rishton tumani **Obodonlashtirish boshqarmasi** raxbari S.Xaydarovlar urtalarida tuzilgan №9-sonli shartnoma

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma‘lumot: Rishton tumani obodonlashtirish bo‘limi tomonidan 03.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Rishton tumani
yuridik markazi
markaz rahbari:**



O.A.DADABAYEV

07.11.2022